

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Янгиқўрғон туман халқ таълим
бўлими мудир:



А.Қаюмов

«17» _май_ 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

« Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими »

Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли “Говозон” МФЙ
жойлашган 61 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини эшик ва
деразаларини алмаштириш ишлари

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон шаҳри -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Янгикўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли “Говозон” МФЙ жойлашган 61 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлагич қиймати – **381371729 (Уч юз саксон бир миллион уч юз етмиш бир минг етти юз йиғирма тўққиз) сўм.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161200, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгикўрғон тумани Янгикўрғон шаҳари Наманган кўча 13 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш

бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган ҳолда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва паспорт нусхалари).

- Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.

- Банк кафилиги бўлсин.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

- Танлов иштирокчисининг ишлари бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нарҳини белгилашда ишлатилган асосий нарҳ шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Янгиқўрғон туман халқ таълими
бўлими мудири:



А.Қаюмов

« 17 » май 2022 й

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Қабул қилувчи ташкилот	Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими (61 мактаб)
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими
3	Буюртма учун асос	Нуксон далолатнома, Лойиха сметва ва экспертиза хулосаси
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгиқўрғон тумани "Говозон" МФЙ жойлашган 61 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш
5	Қатнашувчи учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари). - Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома. - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йилликда қилинган иш таъжрибаси. - Банк қафиллиги бўлсин. - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. - Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. - Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.
6	Товар (иш хизмат маҳсулот) номи ва миқдори	"Говозон" МФЙ жойлашган 61 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш
7	Иш тури	Жорий таъмирлаш
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 30 кун муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молиялаштириш манбан	Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими бюджет маблағлари ҳисобидан.

Давлат харидлари ва шартнома
гурухи раҳбари:

А.Абдуллаев

Бош ҳисобчи:

У.Исомов

Иқтисодчи:

У.Абдувалiev

Қурилиш ишлари бўйича мутахасис:

Ш.Суфижонов

Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли “Говозон” МФЙ-да жойлашган
61 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
бўйича
№ __ - сонли пудрат

ШАРТНОМАСИ

«__» _____ 2022 йил

Янгиқўрғон тумани

Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар
А.Қаюмов бир томондан (кейинги ўриларда «Буюртмачи» деб юритилади) ва
“_____” номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар
_____ иккинчи томондан (кейинги ўриларда «Пудратчи» деб юритилади)
мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Янгиқўрғон туман
ҳалқ таълими бўлимига қарашли қарашли қарашли “Говозон” МФЙ-да жойлашган
61 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
бўйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни
жорий таъмирлаш учун зарур шaroитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва
қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II.Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далoлатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар
Пудратчи ва Буюртмачи билан узарo тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисoбга oлинади
ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида
бўшатиб беради.

3.Бажарилган ишлар далoлатномаси ҳар ойнинг 10 кунигача Пудратчи томонидан
Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдoри ва сифатини текшириб
қабул қилиб oлади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса
Пудратчи қамчиликларни ўз ҳисoбидан бартараф этади.

III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда
узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига
мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан
шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили
тўғрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вақтида техника ҳавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф
муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар
бажарилишини таъминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда
бажариш мажбуриятини ўз зиммасига oлади.

5.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва
субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга
тайёр ҳoлда топширилиши учун Буюртмачи oлдида тўлиқ мулкий жавoб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойха смета хужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтда тижорат тақлифидаги умумий суммаси _____ (_____) сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз миқдорда аванс ўтказади, бу эса _____ (_____) сум тийин сўмни ташкил қилади. Қолган тўловлар 70 фоизи _____ (_____) сўм Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 10 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгиланган кунга қадар тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорда пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодиёт суди томонидан кўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома буйича мажбурятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома буйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қуйилганда, конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно..

X. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йукотади. -

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун нормалари қўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. « Буюртмачи » ҳамда « Пудратчи » томонидан тасдиқлангандан ва Ғазначилик бўлимасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кирази ва 2022 йил 31 декабрғача амал килади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

“ ”
(товар, хизмат хурсатуви номи)

Манзил:
Тел./факс:
х/р
Банк

МФО:
СТИР

МЧЖ рахбари:

М.Ў

«Буюртмачи»

**Янгикўргон туман халқ таълими бўлими
(61 мактаб)**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Янгикўргон ш.Наманган кўча 13 уй
Тел./факс: 69-63-21-451
ш/х:
Бюджетдан маблағ олувчи
401722860142427092100075025
СТИР:200119153
ОКОНХ: _____

Ғазначилик бўлимаси номи: Янгикўргон
туман ғазначилик бўлимаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБ тошкент шаҳар ХККМ
МФО: 00014
СТИР: 201122919

Мудир:

А.Қаюмов

М.Ў